
ҚЎШТЕПА ТУМАН МАРКАЗИДАН 17 КМ УЗОҚЛИҚДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИ ФИЛИАЛИ ИШ БОШЛАДИ

Қўштепа туман марказидан 17 км узоқликда жойлашган Қўштепа МФЙ ҳудудида Давлат хизматлари марказининг “Қўштепа” филиали иш бошлади. Бугунги кунга келиб вилоятимизда Давлат хизматлари марказлари филиаллари сони 12 тага етди.

Филиалнинг очилиш маросимида туман ҳокимлиги вакиллари, адлия бошқармаси мутасаддилари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Янги очилган филиал эндиликда “Қўштепа” МФЙ га қўшни бўлган “Янгидўкон”, “Эшонгузар”, “Нурафшон”, “Қийқи” маҳалла фуқаролар йиғинларининг 18 минг нафардан ортиқ аҳолисига ҳам хизмат кўрсатади. Эътиборли жиҳати шундаки, ДХМ филиалида ҳам фуқаролар ва тадбиркорлар учун марказдаги каби 170 дан ортиқ хизматлардан тўлиқ фойдаланиш мумкин.

Давлат хизматлари марказлари филиаллари айна кунларда жисмоний ва юридик шахсларга мобил давлат хизматларини кўрсатиши билан аҳамиятли. Ҳудуд аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар, йўл-йўриқлар берилади.

Айтиш мумкинки, бугун давлат билан халқ ўртасидаги мулоқот янги босқичга кўтарилди. Халқнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш, қулайлик яратиш ва шаффофликни таъминлашга қаратилган давлат хизматларини кўрсатишнинг янгича тизими ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-09-10 14:25:03